

ДАСТЛАБКИ МАЗМУНИ ЎЗГАРТИРИЛГАН ХУЖЖАТЛАРНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ХАМДА УЛАРДА УЧРАБ ТУРАДИГАН МУАМОЛАР

Саттаров Фазлиддин Нурали ўғли
Ўзбекисто республикаси ИИВ Академияси
3-ўқув курси 322-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақола орқали муаллиф дастлабки мазмуни ўзгартирилган хужжатларнинг криминалистик тадқиқотлари ҳамда уларда учраб турадиган муамолар келтирилган бўлиб, унда дастлабки мазмунига ўзгартириш киритиш орқали хужжатларни ўзгартириб олиш ва ундаги мазмунга таъсир кўрсатишни аниқлаш усуллари методикаси кўрсатиб ўтади.

Калит сўзлар: хужжат, умумий белгилар, хусусий белгилар, из, белги, штрих.

Annotation: Through this article, the author presents the criminalistic studies of documents whose original content has been changed, as well as the problems encountered in them, and shows the methodology of changing documents by making changes and determining the impact on their content.

Key words: Document, common symbols, private symbols, trace symbols, shtrix.

Хужжатларнинг дастлабки мазмуни ундаги қаторлар, ҳарфлар, сонлар орасидаги бўш жойларга янги ёзувларни киритиш йўли билан хужжатнинг дастлабки мазмуни ўзгартириш - қўшиб ёзиш деб аталади. Бу тушунчага қўшиб чизиш ҳам қиради. Сўзлар, рақамлар, саналарни қўшиб ёзишда матннинг маъноси ўзгаради. Қўшиб чизиш деганда аввал мавжуд бўлган ҳарф ва рақамларни алоҳида штрихларини қўшилиши деб тушунмоқ лозим. Ёзувлар сўз ва рақамлар бошида, ўртасида ёки охирида, шунингдек, сатрлар оралиғида ўзгартирилиши мумкин. Қўшиб ёзишни ниқоблаш (маскировка қилиш) учун кўп ҳолларда жинойтчилар дастлабки ёзувни бажарган шахсга тақлид қилишга ҳаракат қиладилар ва у фойдаланган ёзув асбобларидан, сиёҳлардан фойдаланадилар. Қўшимча қилиб ёзилган ёзувларни жинойтчилар одатда кўзга ташланмаслик учун ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда қўшиб ёзилган ва эски ёзувларнинг штрихлари яна бир мартаба айлантириб чиқилади. Лекин бу ниқоблаш қанчалик усталик билан бажарилишига қарамадан аксарият ҳолларда улар мутахассислар томонидан фош этилади. Уларни фош этишда ёзувларнинг мазмуни, уларнинг бир бирига нисбатан, ҳамда хужжатнинг четки қисмлари ва графа чизиқларига нисбатан жойлашувини тадқиқ этишни талаб этади.

Биринчи навбатда ҳужжатнинг айрим қисмларидаги сўзларнинг, шу жумладан ташкилот номи, муҳри, саналар, резолюциялар ва бошқа реквизитларнинг мантиқий боғланишига аҳамият берилиши зарур бўлади. Аввалдан назарда тутилмаган қўшимча ёзувларда дастлабки матнга нисбатан ўзгача бўлган белгиларнинг жойлашуви кузатилади: яъни уларнинг жойлашувидаги оралиқ масофаларнинг ўзгариши, сиқиб ёзишлар ёки аксинча ораларни очиқ қилиб ёзиш кузатилади.

Таққосланувчи ёзувларни бажаришда бўлган фарқ қўшиб ёзилганлик ҳақида далолат беради. Ҳужжатни бажарган шахс кейинчалик қўшиб ёзишни бажарганда янги шарт-шароитга мослашиши керак бўлади, чунки биринчи ҳужжатни бажаришдаги шароит ўзгарган. Такдим этилган материаллар етарли бўлмаса, дастхатшунослик тадқиқоти қўшиб ёзишни аниқлаш учун етарли даражада эмас. Қоғозга ёзишда қоладиган штрих моддасининг хусусияти ва ёзув анжомининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш керак бўлади. Ёзув қуроли аломатлари ҳужжатлар техник-криминалистик тадқиқоти усулида аниқланади. Қўшиб ёзилганликка штрихлар рангининг ҳар хиллиги, инфрақизил ва ультрабинафша нурларни қабул қилиш, қайтариш, люминесценция интенсивлиги ва ранги хилма-хиллигини кўрсатувчи омиллар далолат беради. Аниқланган аломатларга баҳо беришда шуларни инобатга олиш лозимки, бу фарқланишлар турлича ёзув материалларининг қоғоз компонентлари билан ўзаро таъсирида бўлганлиги натижасида вужудга келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда фарқланишларнинг сабабларини физик-кимёвий анализ натижаларига кўра аниқлаш мумкин бўлади. Штрихлар моддаларининг тадқиқоти орқали қўшиб ёзишнинг қуйидаги аломатларини аниқлаш мумкин: 1. Штрихларнинг рангидаги фарқи. Бу аломатларни штрихларни микроскопик, ҳамда светофилтрлар ва светофилтрларсиз, шунингдек, спектрофотометрик ва рангларни фарқлаш фотографиясини қўллаб тадқиқ этиш орқали аниқланиши мумкин. 2. Инфрақизил нурларнинг ютилишидаги фарқлар. Ёзув материалларига кирувчи асосий моддалари (сиёҳлар, қора копировка қоғози) инфрақизил нурларни тўсиқларсиз ўтказиб юборади. Графит ва қурум - графит қаламлар, қора туш, машинка ленталари, типографик бўёқларнинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади ва улар инфрақизил нурларни ўтказмайди. Шу сабабли инфрақизил 102 нурларда тадқиқ этилганда органик бўёқлар билан бажарилган ёзувлар хира кўринади ёки умуман кўринмайди, қора туш билан ёзилганлари эса яхши ўқилади. Штрих моддаларининг инфрақизил нурларни ўтказиш даражаси унинг зичлик миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун таққослашда фақатгина бир хил интенсивликка эга бўлган штрихларни солиштириш тўғри натижаларни беради. 3. Ультрабинафша нурларни ютишдаги фарқлар. Бир хил рангдаги, лекин турли материаллардан ишланган бўёқлар,

масалан графит ва машинка лентасининг қора бўёғи ультрабинафша нурларни турлича ютади. Юқоридаги ҳолат бундай бўёқларни ультрабинафша нурларда фарқлаш имкониятини беради. УФС-1 ва УФС-4 филтрлари ёрдамида ушбу нурларда яхши натижаларга эришиш мумкин. 4. Штрихлар люминесценциясидаги фарқлар. Бир хил рангдаги, лекин турли материаллардан ишланган бўёқлар турли хилдаги кўринувчи люминесценциясини бериши мумкин, айримлари люминесценция қилади, айримлари эса йўқ; ёки иккаласи ҳам люминесценция қилади, лекин унинг ранги ва интенсивлиги турлича бўлади. Масалан, эозин асосида қизил сиёҳлар тўқ сариқ рангда люминесценцияни беради, «Радуга» туридаги кислота асосли сиёҳлар эса тўқ қизил рангдаги люминесценцияни беради. Люминесценция даражасини паст ҳароратларда ўтказиладиган тадқиқотлар билан кучайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикасининг Жиноят-процессуал кодекси:
(2017-йил 1 июльгача булган ўзгартириш қўшимчалар билан)
Расмий нашр- Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги.
Тошкент :<<Адолат>>, 2017 й
2. Т.Б.Ммаматқулов Хужжатларнинг техник криминалистик экспертизаси
Марузалар курси дарслик.- Тошкент-2017 ИИВ Академияси